

ХАЛҚ СЎЗИ

ХИМРИЙ:
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,
РАМАЗОН, 16-КУН.
ШАМСИЙ,
1370 ЙИЛ,
ХУТ, 31-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1992 йил 20 март, жума, 54-сон • 305 •

НАРХИ ОУНАЧИГА 15 ТИЯНН,
СОТУВДА 60 ТИЯНН.

НАВРЎ НАФАСИ:

ДОШҚОЗОНЛАР ТЎЛА СУМАЛАК, ҲАЛИМ, ҚОЗОННИНГ ТЎЛГАНИ РОСТ БЎЛСИН, ЭЛИМ!

- Бу байрам Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-мурувват шиори остида ўтади.
- 21 март куни жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида, пойтахт Тошкентда оммавий сайиллар бўлади.
- «Меҳр-мурувват, саломатлик» жамғармаси муҳтожлар учун 200 минг сўмлик кийим-кечак тайёрлаб қўйди.
- «Меҳрибонлик» жамияти ногиронларга 40 минг 200 сўмлик буюмларни эҳсон қилади.
- Республика Болалар жамғармаси 192 жойда байрам совғалари тарқатмоқда.



СУРАТЛАРДА: Наврў тароналаридан лавҳалар.



Н. Муҳаммаджонов, М. Отабой, Р. Альбеков олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК ВА МЕҲР-МУРУВВАТ

ЯНГИЛАНИШ ва яратувчилик байрами — Наврў келиб келаяти. «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-мурувват» шиори остида ўтадиган бу айёмга республика пойтахти Тошкентда, барча вилоятларда сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилаётганда. Умумхалқ байрамнинг ўтказиш республика ташкилий комитетининг навбатдаги йиғилиши ҳам шу мавзуга бағишланди. Йиғилишнинг қўмитет раиси, республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Байрам арафасида ўтказилган бу йиғилишда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Респуб-

ликасида Наврўга тайёргарликнинг бориши ва ўтказиш тартиби масалалари кўриб чиқилди. Наврў байрамдаги хайрият тadbирлари ва байрам соғва-саломларини тайёрлаш юзасидан «Меҳр-мурувват, саломатлик», «Меҳрибонлик» болалар жамғармалари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Уларнинг маълумотларига кўра «Меҳр-мурувват, саломатлик» жамғармаси муҳтож кийимлар учун 200 минг сўмлик кийим-кечак тайёрлаб қўйди. «Меҳрибонлик» жамияти ногиронларга 40 минг 200 сўмлик буюмларни эҳсон қилади. 250 минг сўмликдан ортқ маҳсулот ярим баҳосига сотилади. Ана шу савоб ишлар учун ногиронлар жамияти 200 минг сўм маблағ ажратди.

Республика болалар жамғармаси 192 жойда байрам совғалари тарқатмоқда. Улар меҳр-мурувват байрамга тайёргарликка анча олдин киришди. Дастлаб республикада мавжуд ногирон болаларнинг соғи аниқланди. Юз нафар уқувчи ва талабага жамғарма стипендияси тайинланди.

Йиғилишда 14 март куни бўлиб ўтган хайрият шайбалиги ҳисоб-китобини чиқариш комиссияси тузишга қарор қилинди. Ташкилий қўмитет аъзолари эндиги барча эътиборни байрамнинг тарғибига ўтказишга ва Наврўдан сўнг байрамнинг ишларига яқин эътиборни қўйишга қарор қилинди.

боллик» жамияти 21 март куни Тошкентда сайил ўтказишга тўлақонли раҳбарлик қилди. Унда спорт мусобақалари, хайрият тарғиб тadbирлари ўтказилди. Жамият ногиронларга ўз корхоналарида тайёрланган 40 минг 200 сўмлик турли буюмларни эҳсон қилади. 250 минг сўмликдан ортқ маҳсулот ярим баҳосига сотилади. Ана шу савоб ишлар учун ногиронлар жамияти 200 минг сўм маблағ ажратди.

Республика болалар жамғармаси 192 жойда байрам совғалари тарқатмоқда. Улар меҳр-мурувват байрамга тайёргарликка анча олдин киришди. Дастлаб республикада мавжуд ногирон болаларнинг соғи аниқланди. Юз нафар уқувчи ва талабага жамғарма стипендияси тайинланди.

Йиғилишда 14 март куни бўлиб ўтган хайрият шайбалиги ҳисоб-китобини чиқариш комиссияси тузишга қарор қилинди. Ташкилий қўмитет аъзолари эндиги барча эътиборни байрамнинг тарғибига ўтказишга ва Наврўдан сўнг байрамнинг ишларига яқин эътиборни қўйишга қарор қилинди.

(ЎЗА мухбири).

ҚАДИМИЙ ВОҲА НАВҚИРОНЛИГИ

ХОРАЗМДА Наврў байрами тadbирлари авж олиб кетди. Вилотнинг барча шаҳар ва районларида шаҳоват кечалари ўтказилмоқда. Ҳайратта олинган икки мингдан ортқ ночор, ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилиб, турли совғалар тортиқ этиляпти. Шу масалаларга ярим миллион сўм маблағ ажратилган.

Хоразмликлар умумхалқ айёмининг бунёдкорлик ишлари билан қўлиб олишга қарор қилишган. Бу ерда «Дўстлик» бoғининг яратилиши шу ишларнинг дебосчаси бўлди. Хайрият халари кунин олти миллион тул мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Вилот аҳолисини Наврў байрами шарафига 10 миллион тул кўчат эвди. Бу эса улар бошлаган «Хар бир киши ўн тулдан кўчат» хайрият тadbирининг натижасидир.

Паҳлавон Маҳмуд турилган кунга бағишлаб ўтказилган полвоилар беллашуви ҳам Наврў тағаналарини қаторидан ўрин олган. 22 март куни бўлидиган бу мусобақада республикамиз спортчиларидан ташқари Қорақалпоғистон ва Туркманистон Республикаларидан ҳам полвоилар иштирок этишади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING РАЁСАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги мажлисида қонун чиқарувчи олий орган бўлуси сессиясига тайёргарлик ишчи гуруҳининг раҳбари — Олий Кенгаш раисининг ўринбосари Б. И. Бутуровнинг Олий Кенгаш муҳокамасига тақдим этиладиган қонун лойиҳаларини тайёрлаш соҳасида қўмитет ва комиссиялардаги ишларнинг аҳоли ҳақидаги ахбороти тингланди. Тегишли қўмитетларда деҳқон хўжалиги ҳақидаги, табиати муҳофазатлари тўғрисидаги, автомобиль йуллари тўғрисидаги, давлат санитария назорати ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди ва матбуотда эълон қилинди. Вазор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга ва пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган бир қанча қонунларнинг лойиҳалари устида жадал иш олиб боришмоқда. Бу қонунларнинг лойиҳаларини ҳам кенг муҳокамасига қўйишга қарор қилинган.

Олий Кенгаш Раёсати халқ таълими тизимини ривожлантиришга катта эътибор бериб, таълим сифатини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида, шунингдек туққинчи сессияга тақдим этилган қонун лойиҳасини депутатлар рад этганликлари муносабати билан «Таълим тўғрисида» ги қонунни тайёрлаш учун Олий Кенгаш қўмитетларининг аъзоларидан, халқ таълими мутахассисларидан ва Олий Кенгаш қўмитетининг масъул ходимларидан иборат йиғма гуруҳ тузди. Гуруҳга олимларни, манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларини бу ишга жалб этиш тошчирилди. Мавжуд нусхалар асосида қонун лойиҳасини чуқур ва атофилча пухта ишлаб чиқиш, уни қўмитетлар билан комиссияларнинг қўшма мажлисида муҳокама қилиш ва Олий Кенгаш Раёсатининг қўриб чиқиши учун тақдим этиш тақлиф қилинди. Раёсат Ўзбекистон Республикаси халқ ноиб А. Асқаровнинг Фах, халқ таълими ва маданият мероси муҳофазат қилиш қўмитетини раис вазифасидан овоз этиш тўғрисидаги илтимосини қондирди. Раёсатнинг бу масалага оид қарори Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси тақлифига ҳавола этилди.

Раёсат Ўзбекистон Республикаси Давлат таъминоти раисининг қўриб чиқиши учун тақдим этиш тақлиф қилинди. Раёсатнинг бу масалага оид қарори Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси тақлифига ҳавола этилди.

Раёсатнинг «Давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари тугатилиши муносабати билан бўшаб қолаётган ходимларнинг иктимоний ҳимояланishi тўғрисида» ги қарори амал қилиш мuddатини шу йилнинг 1 июлигача узайтиришга қарор қилинди. Ўзбекистон Республикасининг баъзи вилоят судларининг судьяларига малака даражалари берилди. Бошқа бир қанча масалалар қўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хорижга эшиклар очилганда

ҚУТҚАРУВ ГУРУҲИ ЖУНАБ КЕТДИ

ТУРКИЯНИНГ Эрзинжон шаҳрида рўй берган табиий офат — янгиладан минглаб фуқаролар жабр кўрдилар. Қатор давлатлар Туркияга инсонпарварлик ёрдами, қутқарув гуруҳларини юборди. Жумладан, Ўзбекистонликлар ҳам четда томошанин бўлиб туришни уларнига эп кўрди. Утган кун «Ўзбекистон ҳаво йуллари» компаниясининг юк ташувчи самолёти Тошкентдан Анкарага ушиб кетди. Унга дориндорлар, иссиқ кийимлар ортилган. Тез ёрдам қўриқини ҳам қўриқини гуруҳ асосан фақулда ҳарқат қилувчи республика маркази қутқарувчилари, тиббиёт ходимларидан иборат. Кеча тушдан сўнг қутқарувчилардан ташкил топган ян бир гуруҳ Анкарага учиб кетди.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

ТОШКЕНТ — ИСЛОМОВОД шаҳарларининг боғловчи ҳаво йўли очилганда сўнг поккистонлик фах, маданият, ҳуқуқат, парламент аъзолари республикамизга таширф бўлиди. Меҳмонлар Ўзбекистон ҳаёти билан танишишга шайли. Утган кун улар Тошкент шаҳридан Аъзам Ибрагимов номли маҳалла худудига қад кўтарайган Мирзо Голби масжидини бориб кўрдилар. Кечқурун Мирзо Голби маҳалласи аҳли меҳмонларини аниқатга тақлиф этишди. Дастурхона Наврў таъмини — сумалак тортиди. Баҳор айёми — Наврў ҳақидаги қўшиқлар янгради. Бўлиб ўтган мулоқот чоғида меҳмонлар кўрсатилаётган хурматдан мамнуликларини билдириди. Вағри кенг ўзбекиларнинг меҳмондўстлигини таъсирлашди. Бундан кейин дўстлик ришталари йўғонлашиб бораверади дейишди. Шу ҳафта ичда улар Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳам қадам рақибда қилишмоқчи.

МИЛЛИЙ ҚЎМИТА ТУЗИЛАЯПТИ

НАВРЎ арафасида мустақил Ўзбекистониянда муҳим воқеалар, уларнинг рўй бериши. Яқинда республикамизда ЮНЕСКОнинг миллий қўмитасини ташкил этишга киришилди. Утган кун қўмитанинг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистонда тузилаётган мақор қўмиата Фолитни тўғрисида фикр алмашдилар. Республикамнинг Бухоро, Хелва сингари қадимий шаҳарларининг 2 ярим минг йиллигини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон худудига тузилиб ўтган илми-маърифат баҳоли қудрат ҳисса қўшган шарқ алломаларининг фаолиятини тарғиб қилиш борасида ҳам ташкилий қўмиата аъзоларининг вакиллари белгиланди. Сўнгиде қўмитанинг илзоми ва бошқа ҳужжатлар қўриб чиқилди.

Т. ИСМАТУЛЛАЕВ.

ҚИРГИЗИСТОНДАН ЭШИТИНГ

ХИТОЙ ЭЛЧИХОНАСИ

Учрашува Қирғизистон ҳамда Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди, элчихоналар очилди ва икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш келишиб олинди.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Октябрь 30 йиллиги номли Уш ил-ғазлама ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчилари ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш иштиқидда цехлардан бирига 20 та янги

БОЛГАРИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Қорасув районидеги «Қирғизистон» давлат хўжалиги раҳбарлари Болгариялик ишбилармонлар билан турндан-турти мулоқот ўрнатдилар: Хўжалик худудиде хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликда меза ва сабзавотни қайта ишлашга иктиссослаштирилган завод қурилиши бошлаб юборилди.

НОГИРОНЛАР УЧУН АРАВАЧЛАР

Германиянинг КЭР хайрият жамияти Бутунитифоқ меҳр-шафқат жамғармасига ногиронлар учун 200 та аравачани бепул тақдим этган эди. Шундан ўнтаси ўшлик, қизилқиялик, новқатлик ногирон болаларга улашилди.

БАНКА МЕВА ВА САБЗАВОТ КОНСЕРВАЛАРИ ТАЙЁРЛАНДИ.

Завод ишга туширилгач, мавсумда 4,5 миллион шартли

РАҲИМЖОН КАРИМОВ.

ТУРКИЯ — ЎЗБЕКИСТОН

унинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг иқтисодий базамиз жуда ям бақувват. Биз дунёнинг бир қанча хайрия жамиятлари билан алоқа қиламиз, табиий офат юз берган мамлакатларга бегарас ёрдам кўрсатамиз. Шубҳасиз, Ўзбекистонда табиий офат рўй бергани йўқ, бундай ҳодисадан худо асрасин. Аммо маълум сабабларга кўра иқтисодийнинг оғир аҳволда, шунинг учун сизларга ёрдамлаштишга қарор қилдик.

ИККИНЧИ КУН

8 март. Ўзбекистонга жўнатиладиган маҳсулотлар чиқарадиган корхоналардан бирига бориб мўлжалланган эди. Дам олиш куни бўлгани учун бу иш қолдирилди. Палаткалар шаҳарчасида эса ҳаёт қайноқ. Тошкентга 5 та самолёт жўнатилди.

УЧИНЧИ КУН

Бу чинакам инсоний ишда Туркия озиқ-овқат ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган акционерлик жамияти катта аҳамият касб бермоқда. Инсонпарварлик ёр-



Самолётга хайрия юкларнинг ортиш пайти.

— Эшиттишимизча, илгари Ўзбекистонда ҳам кўп миқдорда қанд лавлаг иштиқирлари, қанд заводларини ҳам бўлган экан, — дейди Гувон. — Агар истасангиз, ана шундай корхоналар қуришда ёрдам берардик. Аммо ҳозирча эса сизларга шакар юбориш билан чеklangанимиз, холос... Усмон Орсуй, Жалолиддин Турмас, Салим Ченак, Нам Узаган, Мустафо Жондоқ ва заводнинг бошқа ишчилари Ўзбекистонликларга аламли салом йўллашимизни илтимос қилишди.

ТўRTINЧИ КУН

Эрталабдан Қизил Ой жамияти қароргоҳида (у инсонийлик ёрдамнинг ўзига хос бошқарув маркази — айланган) жамият бош директори ўринбосари Адилер Тамир раҳбарлигида йилгилик бўлиб ўтди. Ингиланда инсонпарварлик ёрдами юбориш билан банд бўлганлардан ташқари барча хизматларнинг раҳбарлари, шунингдек Ойдин Азимбеков ҳам иштирок этди. Унда энг долзарб муаммолар муҳокама этилади.

БЕШИНЧИ КУН

Эрталаб соат 9.30 да бизни инсонийлик ёрдамнинг асосчиси — Туркия Республикаси Бош вазирини Сулаймон Демирал қабул қилди. У билан суҳбатимиз қарий ярим соатча давом этди. Биз Бош вазирга ташаккур билдирдик, у эса Наврўз муносабати билан Ўзбек халқига энг эзгу истакларини етказишимизни суғайди.

С. Демирал қароргоҳидан аэропортга кетганини билдириб, бугун шаҳарчамизга ёрдам кўришга келишди, — дейди қувонч ила Ойдин Азимбеков. — Бир неча кундан сўнг туркиялик биродарларимиз Ўрта ер деңизидан Марсет портдан 100 миң тонна буғдой, Корд дептади Самсун портдан эса 10 миң тонна шакар юбора бошлайди. Анқирода, ушбу маҳсулотларни ўз кемаларида Одесса портига олиб келишди, у ерда эса, поездаларда Тошкентга етказамиз. Ҳа, ҳали олдидинда ишлар кўп.

Биз Ойдин ака ва туркиялик ишчилар билан кўноқ қайрлашамиз.

Тошкент-Анқара-Тошкент.



Туркияда самимий кутиб олиш.

Маълумки, бир неча кундан бери Тошкент-Анқара-Тошкент ҳаво йўли орқали қардош Туркиядан Ўзбекистонга инсонийлик ёрдами бўйича турли юклар ташиб келтирилмоқда. Илгари маълум қилганимиздек, ушбу ёрдамни қабул қилиш ва тақсимлаш бўйича ҳукумат комиссияси тўзилган. Ана шу комиссия аъзоси, ёрдамни ёритиш бўйича матбуот гуруҳининг бошлиғи Анвар Жўрабоев, Ўзбекистон телевидениеси бош таъбирчиси Марат Муслимов, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги фотомухбири Рўздат Жуманиёзов Анқарада бўлиб, шу эзгу ёрдам ташкилотчилари, Туркиядаги бир қатор корхоналарнинг ишчи-хизматчилари, шунингдек республика Бош вазирини Сулаймон Демирал билан учрашди.

БИРИНЧИ КУН

7 март. Тошкент. Тонг саҳарда Вячеслав Шмаров иомандирлик қилган юк самолётида Анқарага учамиз. Тўрт ярим соатдан сўнг Эсенбобо халқаро аэропортига қўтамиз.

Сал нарида, чодирлар шаҳарчаси ёнида Туркия Республикаси ва Қизил Ой жамиятининг байроқлари қўйиб турилади.

Табиийки, Ўзбекистонга Туркия ҳукумати кўмак берайти, аммо ана шу ёрдамнинг бевосита икросиси — Туркиянинг номи жаҳонга танилган Қизил Ой жамиятидир: унинг ходимлари юкларни аэропортга етказиш, уларни самолётларга жойлаш ва бошқа кўплаб ташкилий ишлар билан шуғулланишди.

Ушбу шаҳарча Урта Осиё республикаларига бегарас ёрдам кўрсатиш бўйича аэропортдан Ўзга хос марнага айланган. Агар бир-иккита республикани ҳисобга олмаганда, бу ердан юклар асосан Ўзбекистонга юборилайтир.

Шаҳарчада у ташкил этилган биринчи кунлардан оқ турк биродарларимиз билан ҳамкорликда республикамиз вакиллари — Вазирад маҳамаси капитал қурилиш ва транспорт бўлими мудирининг ўринбосари Ойдин Азимбеков, Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиаконкомпанияси ходимлари Анвар Исоқов, Вағиф Гулиев ҳам катта ташкилотчилик юмушларини олиб боришаптир.

— Бу ерда иш эртаю кеч тинмайди, — дейди О. Азимбеков. — Шаҳарчада деярли ҳар соатда турли маҳсулотлар, дори-дармонлар ташиб келтирилади. Тошкентга илк юк 27 февралда жўнатиладигани, ана шундан буюн Ўзбекистон авиаконкомпаниясининг беш самолётида кунига икки юз тонна маҳсулот етказиб берилади. Жами экипаж аъзолари шижоат билан ишлашапти. Аммо мен Ғайрат Гуломов, Алексей Коршаев, Рустам Шожаалилов командирик қилишаётган экипажларини алоҳида қайд этмоқчи эдим.

Турк биродарларимиз биз учун ҳамма шарт-шаронларни муҳайё этишган. Улар тошкентлик учувчиларни овқат, мева, сигарет билан мунтазам таъминлаб туришибди. Самолётларимизни кунига 60 тонна ёнгил билан бепул таъминлашмоқда. Халқаро телефон алоқаси хизматларига ҳам пул олишмайди.



«Эллигинчи йилларда жамоа хўжалиги оморларида галлар охиб-тохиб ётувчи эди. Одамларнинг эҳтиёжларидан ортгани четга ҳам сотиларди. Уша вақтларда «Оқ буғдой» ноининг хуш таъми ҳанузгача эздан кетмайди, — деган эди ўзaro суҳбатимизда Кишлоқ хўжалиги вазирлигининг етакчи мутахассисларидан бири. Бу гапнинг ҳақиқатлигига катта ёшдаги ҳар бир кишининг гувоҳлик бера оlishига шубҳа йўқ. Чунки меҳнат фаолиятимизнинг бошланғичи ўша даврларга тўри келадиган тенгдошларим билан иш ҳақимизга буғдой билан ҳақ олганлигимиз ҳақиқат.

Ишончли маълумотларга кўра уруш ва урушдан кейинги йилларда республикамизда 4,5 миллион тонна дон ишлаб чиқилган. Аммо нонга қарам қилиб қўйиш сиваси шундай усталик билан юргазилган, гўё хўжаликлар орқича ташвишлардан озод қилиниб улари кенгиллик туғдирилди. Пахта мустақиллигининг чуқур-

РЕПОРТАЖ

Қизил Ой жамияти вакили Ҳасан Уркам эса қуйидагиларни айтди. — Чодирлар шаҳарчаси 27 февралда бунёд этилди. Бу ерда 32 киши дам олиш нималигини билмай ишлади. Улардан ташқари ўн нафардан эиёб хайловчи Туркиянинг турли шаҳарлари, масалан, Марнейнда — манарон (у Анқарадан 600 қақирим узоқда жойлашган), Измирдан — ёр (ораси 500 қақирим), Истанбулдан сунт, Пулатлидан ун олиб келишаптир. Мана баъзи хайдовчилар ҳамда юк ташувчиларнинг исм-фамилиялари: Мусо Ойнамак, Ҳамид Байкул, Иброҳим Қаватли, Ҳусан Метин, Нураддин Юлдуз, Муса Туан, Бўзтош Сиддик.

Марказда ҳамма қўлайликлар бор. Ошхонада уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади, ётоқ вагончалари, телевизор, магнитофон ишчилар қизматига. — Шаҳарчада энг замонавий алоқа воситалари ўрнатилган. Тўрт енгил машина — «Тойота», «Мерседес»лар эртаю-кеч хизматда.

Суҳбатлашиб, чодирдан чиқсак, биз учиб келган самолёт аллақачонқоқ юкларни, парвозга ҳозирланиб қўйилган экан. Ишчилар — хушчақчақ йигитлар юзларидан терларини артишиб, табассум-ла дейишди: «Истаймики, Ўзбекистон билан дўстлигимиз мустаҳкам бўлсин. Ана шу биродарликка биз ҳам ўз улушимизни қўшаётганимиздан ниҳоятда мамнунмиз».

«Танаффус» пайтида улар кичкинагина майдончада футбол ўйнай бошлашди. Қийириб, майдончага ҳазил-мутойбага кўмиб ташлашди. Аммо орадан ҳўел ўтмай, ўнлаб қоп шакар ортларин улкан машина келиб қолади ва ишчилар шу заҳотиёқ юкларни чаққонлик билан тушира кетишди. Улардан бирови қопларнинг устига Қизил Ой жамияти эмблемасининг тасвирини «муҳраб» чиқди.

Биз эса «Тойота»да Анқарага йўл оламиз. Шаҳар ниҳоятда гўзал. Бежирим иморатлар, сервиқор масжидлар, ҳамма жойда — реклама...

Жамият бошқаруви марказда жойлашган экан. Унинг расиси, Туркиянинг таниқли зрбобларидан бири Камол Демур билан ана шу ерда учрашамиз.

— Жамиятимиз 1864 йилда ташкил этилган. Мамлакатимизнинг 649 жойида

дами марказида бу идоранинг ходимлари тушу кун навбатчилик қилишади.

— Қанд, ун, ёр, макорон каби маҳсулотлар асосан бизнинг корхонамизда тайёрланади, — дейди жамият бошқаруви бош директори Нодир Қоранш. — Агар корхона миздан бирини кўрмоқчи бўлсангиз, мен Пулатли шаҳридаги ун фабрикамизга боришимизни маслаҳат берардим.

Ниҳоят машинамиз йўлга тушади. Ҳар икки тарафда чексиз буғдойзорлар, уфда эса оқсоч тоғлар ястаниб турибди. Терактор, тузторлар, деҳқонларнинг уйлари лип-лип ўтади. Турли фирмаларнинг рекламаларини истисно қилганда, худди Ўзбекистонда юргандек ҳис қилиш мумкин.

Мана, Туркия байро и қилираётган фабрикадамиз. Бизларни корхона директори Ерғин Унвор қувонч билан қарши олади. «Ҳасад ун» дея номланган ушбу фабрика ҳақида батафсил гапириб берди. Сўнгра корхона цехларини айланамиз. Еш йигитлар чаққонлик билан ишламоқда. Санқил дақиқаларда ун халталарга жойланиб, Қизил Ой тамғали машиналарга юкланмоқда.

— Биз Ўзбекистонлик журналистлар келганлигидан хурсандимиз. Юртдошларингизга саломимизни етказайлик. Сизларда аҳвол оғирлигини газеталарда ўқиб билдик. Лекин унутмангиз, биз сизларни кулфатда қолдирмаймиз, — дейди ишчи Шатир Адаш. Сўнгра у бизни дўстлари — Солиҳ Ўрған, Қосим Олтин, Шаҳаддин Оқтош, Иброҳим Қўсам, Ҳасан Метинлар билан таништиради. «Ўзбекистон тезроқ ўзини ўнглаб олсин!» дейиши улар хайрлашаётганимизда.

Пулатлидан Анқара қанд заводига келамиз. Туркиядаги ушбу йирик корхонада нафақат шакар, балки турли-туман қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришаркан. Директор Гувон Бузлук уларни татиб кўришимизни суғайди. Шу қадар ширинки!

— Шу ерда бир нарсани таъкидламоқчимиз: Туркиядаги деярли барча корхоналар, шу жумладан, биз ташриф буюрганларимизда ҳам масжидлар қад қўтарган. Турклар жудаям динпарвар экан. Ҳозир, рамазонда, ҳар иккинчи турк рўза тутмоқда.



«Қизил Ой» бошқаруш марказида. Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар.

лишга боғлиқ эканлигини ҳаёт тақозо қилмоқда. Утан йили республикамизнинг 1 миллион 22 миң гектар майдонига галла экилди. Режадаги 17,4 центнер ўрнига 16,9 центнердан хирмон кўтирилди. Анқидон, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятлари галла ишлаб чиқариш режаларини бажарган бўлсаларда, республикамиз бўйича ялли ҳисоби 1 миллион 723 миң тоннани ташкил қилди, холос.

жамоа хўжалигида гектар ҳисобида 54 центнер, «Оқ олтин» жамоасида 53 центнердан хирмон кўтирилди. Бошоқли дон ҳосилдорлигини оширишда Наманган, Фарғона вилоятларида эътиборга лойиқ ишлар бажарилаётганлигини таъкидлаш лозим. Бироқ лалии ерларда ўстириладиган бошоқли дон экинлардан олинётган ҳосилнинг пастлиги оморларимизда бутунлиги кунда соқланиши лозим

мой муаммога айланётган бир вақтда қонқарили деб баҳолаш мумкин эмас. Чунки 1991 йилда жуахурийти хирмон экилган 1 миллион 723 миң тонна галла йиғирма миллионлик аҳоли эҳтиёжини қондириб эҳтимолидан узоқда. Энданликда пахта ажаҳонқилиги барҳам тоғлангани ўз тасдиқини топмоқда. Бунин суғориладиган сөрүми майдонлар қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш мақсадларига ажратил-

тан 110 миң гектардан кўпроқ майдонларда галла ўстирилади. Галла майдонларини Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларидан сезиларли даражада кенгайтиди. Бу йилги қиш ва эрта баҳорда ана шу майдонлардаги галланинг ривожланиши учун яхши шероит вужудга келди. Асосий лаликор ерларда галлар 1—2, суғориладиган ерларда 3—4 баргли бўлди. Галларол илмий-ишлаб чиқариш яратилган бўлур эди. Афсуски хирмон барекасини йўлаб иш юрятьган, буғдойнинг сөрүсисил «Интенсивная», «Сангзор-4», арлинин «Ой-қор» навларини экишган. Жиззах вилоятининг Пахтакор районидан Кичанов номили, Октябр районидан Собир Раҳимов номили давлат хўжаликларинда галлазорлар суғорилиб озиқлантирилди. Бундай тадбирлар Ворошилов, Оққўрғон, Галаба, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Асака, Шаҳрихон, Бувайда районларида ҳам ўтказилганлиги эътиборга лойиқ.

АВЖЛАНСА МАВЖЛАНДИ

ёҳуд республикамиз далаларида галлачиликка бўлган эътибор хусусида

Бу йиллик режанинг 97,4 фоизига тенгдир. Кўриниб турибдики, биринчи ҳаётий эҳтиёжини мўлжалланган дон-дун этиштиришдаги ишларимиз мактовлардан анча йироқда. Лекин жумҳуриятимизда мавжуд ҳосилдорлигини 50—60 центнерга дорининг 50—60 центнерга кўтаришга қўйиш мақсадида давлат ва жамоа хўжаликларини ҳам бор. Афсуски улар хали бироқ билан санарди. Анқидон вилоятининг Шаҳрихон, Буғдойчи районларида 41—42 центнердан галла ҳосили ўндирилишга эришилди. Шу районлардаги «Галаба»

булган захраларимизни шамолга учуриб юборилгандек ҳис туяй уйғотади кишида. Советобод, Паркент районларида ҳосилдорлик 10—11 центнерга етказилган бир пайтда Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон республикасининг қўлгина районларида бошоқли дон ҳосилдорлиги 8,3—5,7 центнерни ташкил қилди. Шунингдек, суғориладиган майдонлардан ҳосилдорлигининг 25 центнердан тўри келётганлигини республикамиз галла мустақиллиги масаласи икти-

этиш мумкин. Албатта пахтадан бўшган майдонларнинг ҳаммасига галла экиш имконияти йўқ. Бироқ ўтган йилга нисбатан галлачиликка бўлган эътибор қандайдир? Республикамиз давлат ва жамоа хўжаликларинда 1992 йил ҳосили учун 815,6 миң гектар майдонларга кузги дон экилган. Шунинг 285,6 миң гектари суғориладиган, 530 миң гектари лалии ерлардан иборат. Баҳорда 36 миң гектарга галла экиш режалаштирилган. Еки 1991 йилга нисба-

риш бирлашмаси маълумотларига кўра 120 миң гектар майдонларда галла тулпаш босқинчи кирган. Суғориладиган ерларда бу кўрсаткич 180 миң гектарни ташкил қилади. Галладан кўтариладиган хирмон тўртисда гап юритишга эртароқ бўлса-да, ҳосил қўйининг асослари шу кунларда яратилишини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бунин яхши билган жойларда пахтачиликка бериладиган эътиборнинг поакал бир қисми бу ишга йўналтирилса, юксак хирмонга кафили-

ПОЙТАХТ ҲАЁТИ БИР ГРАММЛИ ШПРИЦЛАР
УРТА Осиёда ягона «Медиз» анционерлик корхонасида бир марта қўлланган бир граммлик шприцлар чиқариш йўли кўйилди.

УЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг микробиология илмий тадқиқот институти олима Шайхонаева ва Данил Штаклар антибиотик, полимер, ҳамда физиологик фаол моддалар аралашмасидан «Биопалан» деган антиқа дори яратилди.

ТУШЛИК ОВҚАТ АРСОНЛАШТИРИЛДИ
НИЗОМИЯ номидаги муаллимлар олий илмий институти талабалари ва ўқитувчиларига хизмат кўрсатиётган «Мариш» охиёнасида овқатлар нархи 50 фоизга арзонлаштирилди.

КУНИГА 20 ТОННА ОБИНОН
ЭСКИНГУВА дехқон бозори ҳудудида қурилган ноивойхонага Германиядан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилди.

МОЗИДАН СУЗЛОВЧИ АСАРЛАР
«УЗБЕКИСТОН» нашриёти ходимлари «Шарқ» мутафаккирлари тўққизинчи онд қатор асарларини нашрга тайёрлади.



НАВРЎ ҚУВОНЧИ

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Хотира
ГУЛ ҲАМ, МУҲАББАТ ҲАМ ТИРИККА КЕРАК...

НИМАДАНДИР таъбир хира тортиб, кўнглингга қил сиймай қолган лаҳзалар бўлади. Шунча кенг оламда биргина сен ортиқчага ўхшайсан.

«77-йилнинг 7 августи. Уч кунлик ботобликдан сўнг кўлимга қалам олдим. Бу кеча тушмига раҳматли Саида, олам... кирибдилар. Каттақон боғдан бинафша териб юрганмишлар. Бинафшазорда ўзлари ҳам бир нафасдан сўнг бинафшага айлиб кетдилар.

Мулик ва киматини Саидaxon опа! Бу дунёга келиб нима кўрдингиз? Сиз ҳали узоқ, жуда узоқ умр кўрсиз, дегандик. Сизни эъзозлаб, ардоқлаб шўрлар бита олмадик.

Апрел ойининг бошлари. Саида опанинг элик йиллик тўйларини нишонлаш учун Самарқанд ва Бухоро сарфариға олгандик. Машина Жикээз — Тошкент йўлидан бораркан, Саида опа кенгликда қайлач хайван тикилар, бот-бот уйда қолган қизлари Нодирахондан гап очардилар.

Самарқанддаги адабиёт муҳаббати, хусусан аллома Боҳид Абдулла, муҳтарам олим Нуриддин Шуқуров ва Ҳасанхоновларга ҳамроҳ бўлишди, имкон доирасида кутиб олишди.

Аҳо, — деди Саид Аҳмад, — бу ерларга зелия трасоват қилмайди! Халиги киши елка кишиб, жилмайиб кўя қолди. Уша кеча тоғ саҳарда қаттиқ эзилмадан уйғониб кетдик. Ҳама гувилаб ташқарига отилдик.

Саидaxon опа югуриб менинг эшигини қочдилар. Ойдиной, кўрқаман, кўрқаман! Тезроқ бўлинг, пастга тушинг...

Мен отланиб пастга тушганимда, Саида опалар алақачон меҳмонхона зиналарига туришарди. Шу алғозда узок туриб қолдик. Ер қайта-қайта силкинardi. Меҳмонхонага қайтиб киришга ҳеч кимнинг юраги бетламасди.

кин туни бозан, номозом гулдек кўлардан ниҳон ашигини ютган эзилди. Унинг мағрур ва жасур қалбига дарз солган эзилди — уша энг қувончи кунларда қувончини татитмаган амалдорлар, фирқапарастлар лоқайдлик, кўрқоқлиги бўлди.

86-йилнинг кузи эди. Ёзувчилар қурилтоғи олдидан бир неча адиллар, шорлар Форобий мазористонига устозларини зийрат қилгани бордик. Аббадид боғида узок сўхбат қураётган тош сурачлар дилини маҳзун туйғуларга фарқ қилдик.

Мана бу — наъматак гулларининг кўйичи, зариф шўрлар кўйловчи Ойбек донишманд. Бунда ўзбеки диндорининг назарвор шоири, аторнинг қутисиде ҳам йўқ рангин сўлар ижодкори Гафурога.

Жийда гулларини севган шорам
Жийда гуллаганда келдим сўроқлаб...
Меҳр битилган қоғозни авайлаб гуллар япроғи орасига қўяман. Бу муҳаббат хақорини еллар тун қўнқатиде балки шавирлар. Шоиранинг уйғоқ Рухи унга кулоқ бериб, ҳаётга ташна Рух андан таскин толар.

«НАПОЛЕОН» ҲУЖУМИ
Франгиларнинг «Наполеон» коньягининг довури етти иқлима кетганлиги ҳаммага маълум. Буюк саркарда амалга ошира олмаган истилолни иккинчи «Наполеон» давом эттирди.

ЖАМОА ҲУЖАЛИГИДА СОЯБОНЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА
ШАҲРИСАБЗ районидеги Амир Темури (олдинги Энгельс) номи жамоа ҳужалигида соябонлар ишлаб чиқариши ўзлаштириб олишди.

САХОВАТ КЎРИГИ
«Наврўз» ақинлашиб қолди. Ҳар бир киши ҳовли-жойлари тоза ва озода бўлишини, байрамни қариндошлари, дўстлари ва ҳамкасблари даврасида ўтказишни оруз қилди.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!
ДИҚҚАТ!
«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ишлаб чиқариш бирлашмаси бозор муносабатларига ўтишда хизмат кўрсатишининг янги турини жорий этди.

Манзилимиз: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Индекс: 84608.